Якинда археологлар уюшмаси - «Скотланд-Ярд»нинг собик хизматчиси Грехам Мелвин ва тиббиёт фанлари профессори, нев-ролог Ян Ишервуд Гарб матбуотида шов-шувли макола билан чикишди, яъни, 1352 йил сирли тарзда тўсатдан вафот этган кадимги Мисрнинг ёш фиръавни Тутанхамоннинг кандай ва нима сабабдан ўлганлиги тўгрисидаги жумбокни очишди.

Тутанхамон тахтга ўтирганда жуда ёш, бор-йўги саккиз ёшда эди. Отасининг ўлимидан сўнг Тутанхамон фиръавн деб тан олинди. Бирок ёш бўлгани учун ўз-ўзидан давлатни бошкара олмаган. Бу жиддий вазифани Тутанхамоннинг ўгай онаси, сохибжамол Нефертити ва унинг саройдаги якинлари бажаришган.

Археологлар томонидан топилган манбаларга караганда, вояга етаётган Тутанхамон ва Нефертити ўртасида муносабатлар яхши бўлмаган. Шу боис, Нефертити учун ёш фиръавн билан алокалар бузилишининг олдини оладиган бирдан-бир йўл кизи Анхесенамонни ёш фиръавнга никохлаб бериш эди ва шундагина у Тутанхамон устидан хокимиятни йўкотмасди.

Нефертити вафотидан сўнг ёш фиръавн хамда унинг мухолифлари вазир Эе ва талантли саркарда Хоремхеб ўртасидаги хокимият учун кураш янада кескинлашиб кетади. Тутанхамон эса айш-ишрат, ов каби кўнгилочар машгулотларга берилиб кетади. Эхнатон биринчи бўлиб яккахудоликка сигиниш, яъни, Куёш худосига итоат килишни жорий этиб, кўп худоликни бекор килган. Юзлаб ибодатхоналарни ёптирган ва бу ислохотига карши бўлган жуда кўплаб дин пешволари ва харбий саркардаларни катл эттирган. Унинг душманлари Эхнатоннинг ўлимидан сўнг кўпхудоликни тиклашиб, унинг ўглини отасининг диний карашларидан воз кечишга мажбур этишган.

Бунинг окибатида ёш ва тажрибасиз Тутанхамон рухонийлар хокимиятини тиклайди.

Хуллас, Тутанхамон кутилмаганда вафот этди. Бу фактни хали унинг учун тайёрланмаган кабрдан хам билиш мумкин, чунки бундай эхтиёткорликни ундан олдин шохлик килган барча хукмдорлар бажаришар, яъни, ўлимларидан олдин кабр тайёрлаттириб кўяр эдилар. Шундай килиб, дафн маросимлари янги фиръавн Эе бошчилигида ўтказилиб, унга Тутанхамондан нафакат тахт, шунингдек, унинг бева хотини хам мерос бўлиб колади. Агар Тутанхамон узок муддат касалланиб ўлганида эди, у ўзи учун абадий хаётга кетишга хозирлик кўриб кўйган бўларди.

Шундай килиб, Тутанхамоннинг ўлими кадимги Мисрда энг машхур бўлган сулоланинг хукмронлигига нукта кўйди. Шундан сўнг, диний келишмовчиликлар бархам топди, аммо сарой ичидаги келишмовчиликлар ва кариндошчиликка асосланган никохлар янада кўпайди. Аммо инглиз изкувари Мелвин ва доктор Ишервуд бу фактларни инкор этадилар. Улар ўзлари олиб борган текширув ва хужжатларга асосан шундай карорга келишди: ёш фиръавн сарой фитнасининг курбони бўлган. Тутанхамон тўккиз йил хукмдорлик килади. Ўлимидан бир йил олдин у уйланиб ўз бахтини топади. Текширувлар натижасида ундан хеч кандай касаллик аломатлари топилмайди ва кайд

этилмайди. Унинг ўлими тўсатдан,  хеч ким  кутмаганда юз беради. Хўш, кандай килиб?

Ишервуд  томонидан олиб  борилган рентген текшируви фотосуратлари шуни кўрсатдики, унинг бош  мияси орка томонига кучли зарб билан урилган, шу   етказилган жарохат  натижасида Тутанхамон хаётдан кўз юмган. Унинг  ўлимидан манфаатдор бўлиши мумкин шахслар бу вазир Эе ва харбий  саркарда Хоремхеб бўлган.  Тарихдан маълумки, улар Тутанхамоннинг дунё  юзини кўришига карши  бўлганлар. Чунки меросхўр иккала вазирни хам  тахтга эга бўлишдан махрум  этар эди. Шунинг учун Эе ва Хоремхеб фитна  уюштиради. Негаки, улар тезда  хукмдорни ўз йўлларидан олиб ташлаб,  хокимиятни ўз кўлларига олишлари  керак эди. Шундай хам бўлади.

Шу  тарика, Тутанхамон ўлимининг асл  сабабини кўрсатишда олимлар энди икки  хил тахминга таянишмокда. Мелвин  ва Ишервуд хулосаларига кўра, огир  гурзи билан унинг бош кисми орка  томонига зарба берилиб, бош чаноги  синдирилган бўлса, иккинчи вариант  касаллик билан боглик янги тахминда  фитначилар фиръавнни кўмиш учун барча маросимларни аъло даражада  ўтказганлари хамда унинг жасадини ерга чукуррок кўмиб, хеч ким топа  олмайдиган тарзда яширганлари хакидаги  маълумотлар хам мавжуд. Сўнгра  унинг барча, улар каторида отаси фиръавн  Эхнатон билан боглик бўлган  ибодатхоналарни хам йўк киладилар.

... Бугунги кунда энг ёш Миср хукмдорининг кабри бу заминдаги шохлар водийсидадир. Уни 1922 йилда Говард Картер топган.

**Уйгун Жумаев тайёрлади**